

**Бухоро вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ хузуридаги маҳсус эксплуатация бўлимига қарашли
Қоракўл тумани Дўстлик МФЙ Файзобот кўчасида жойлашган биносини мукамал
таъмирлаш ишлари буйича**

-сонли

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Бухоро ш. " " 11 ноябрь 2022 йил

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Бухоро вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ хузуридаги маҳсус эксплуатация бўлими” номидан бошлиғи А.П.Жумаев бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “Gijduvon standart qurilish servis” ИТК МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор М.К.Кохоров иккинчи томонданга қарашли Қоракўл тумани Дўстлик МФЙ Файзобот кўчасида жойлашган биносини мукамал таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада кўйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объектни реконструкция қилиш ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилаб қўйилади;

вақтингчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган, кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиши - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда реконструкция қилиш ишларини лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига капитал таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати ККС билан бирга 349 000 000 сўм (Уч юз қирқ тўққиз миллион) сўмни ташкил этади.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганида, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча шартнома билан расмийлаштирилади.

Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг капитал таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгаририлганда;

5. Объектни капитал таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади

6. Лойиха-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари (иш турлари) Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айrim иш ҳажмлари ва харажатлари смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айrim харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган заарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида Буюртмачининг руҳсати билан йўналтирилиши мумкин.

IV. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

7. Пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

8. Мазкур шартнома бўйича капитал таъмирлаш ишларининг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, шартномада кўрсатилган муддатда амалга оширилади.

9. Танлов натижаси бўйича аниқланган капитал таъмирлаш ишларининг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 45 кунни ташкил этади.

V. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

10. Буюртмачи Пудратчига шартноманинг 3-бандида кўрсатилган шартнома умумий баҳосининг 30 фоизи миқдорида, 104 700 000 (Бир юз тўрт миллион етти юз минг) сўм аванс маблағини ўтказади.

11. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган капитал таъмирлаш ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура” билан расмийлаштиради. Буюртмачи томонидан тўловлар ва ҳисоб-китоблар шартномага асосан факат Пудратчининг ваколатли банкидаги маҳсус ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

12. Бажарилган капитал таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажарилган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, объектнинг шартномавий қийматининг 95 фоизидан кам бўлмаган миқдорида амалга оширилади.

13. Объектнинг шартномавий жорий қийматидан 5 фоизигача миқдоридаги маблағ, объект давлат кабул комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилиб олинган кундан 12 ойлик кафолат муддати ўтгандан сўнг молиялаштирилади.

VI. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

14. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- капитал таъмирлаш бошланишдан олдин объектда капитал таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, Буюртмачи иштирокида қурилаётган объект қисмини қурилиш-монтаж ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади.

- объектнинг изжро хужжатларини расмийлаштиради ва буюртмачига топширади шунингдек, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспорти ҳамда бошқа хужжатларни тақдим этади;

- объектда тасдиқланган лойиҳага мувофиқ қурилиш - монтаж ишларини амалга оширади;

-Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни түлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбобускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳукуқига эгадир.

21. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

22. Пудратчи қурилиш даврида Буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, қурилиш майдонида иш жойи, лозим топилганда ётк жой (дала шароитида) таъминлашни ўз зиммасига олади.

23. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро хужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан ойнинг охиригача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро хужжатлари билан) кейинги ойнинг биринчи кунига қадар “Буюртмачи”га топширади.

24. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

25. Пудратчи объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

26. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини йўл қурилиши сифатини назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

27. Пудратчи қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлайди.

28. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбобускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўреатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ёзма равишда хабардор киласди.

31. Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

32. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда Буюртмачининг талаби бўйича Пудратчи унинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

33. Бажарилган ишларнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан расмийлаштирилади.

34. Агар Буюртмачи Пудратчи томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбур.

35. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларнинг озодалигини таъминлайди.

36. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи реконструкция қилиш ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек курилишини тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

37. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидаң қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

38. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

39. Пудратчи ишлар бошланишидан капитал таъмирлаш ишлари тугаллангунгача ва курилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўрикланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

40. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулодда вазиятлар, фавқулодда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

41. Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Пудратчидан зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

42. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равиша узайтирилади.

43. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласди.

44. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

45. Капитал таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилган кейин, шунингдек капитал курилиш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда Буюртмачи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

47. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

57. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пена ва жарима тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

58. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

59. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътиroz тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равишида тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 5 кун муддатни ташкил этади.

XV. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

60. Буюртмачи:

-Шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

-Пудрат томонидан шартномада белгиланган муддатлар Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра мунтаззам равишида бузилганда;

-Пудратчи томонидан шартнома шартлари шахарсозлик нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

61. Пудратчи:

-ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

62. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш 10 муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

63. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

64. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишида тасдиқлани керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

72. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

73. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича хукуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

74. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятини тўлиқ бажаргунга қадар амал қиласди.

75. Объектни капитал таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади

76. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари (иш турлари) Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод килинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачининг руҳсати билан йўналтирилиши мумкин.

ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ

Адрес: Бухоро шаҳар Гиждувон кучаси 1/1 уй
Телефонные номера: 98-160-72-00,
91-448-94-11
P/c: 100021860064017045206110003
B/c: 23404000103959417324
МФО: 00014 **ИНН:** 202301393
ОКЭД: 61124

Газначилик бўлинмаси номи: Бухоро вилояти бўйича Газначилик бошқармаси
Газна х/в: 23402000300100001010

Банк номи: Тошкент ш. Марказий банкининг ХККМ

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар



А.П.Жумаев

Директор

ПУДРАТЧИ

“Gijduvon standart qurilish servis” ИТК МЧЖ
Адрес: Бухоро вилояти, Гиждувон шаҳри, Шарқ МФЙ Ю.Хамадоний кучаси
Телефонные номера: 91.648-22-26,
90.710-45-33
P/c: 20208000104870858001;

Ипотека банк Бухоро вилоят булими
МФО: 61133; **ИНН:** 302487800;

ОКЭД: 24225353



М.К.Кохоров